

Мақолангизни “�збекистон замини” журналида чоп этинг

“Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институтида “Ўзбекистон замини” журнали (Ихтисослиги: Ер тузиш, ер мониторинги,

ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва назорат қилиш, геодезия ва картография, кадастр, тупроқшунослик илмий-амалий ва инновацион наشر) ташкил этилганлиги муносабати билан, мазкур журнал йилнинг ҳар чорагида чоп этилишини ҳисобга олган ҳолда, Сиз раҳбарлик қилаётган муассаса ходимларининг ер муносабатлари билан боғлиқ мавзулардаги фундаментал, илмий-амалий ва инновацион ишланмаларига доир илмий мақолалар тақдим этишлари мумкинлигини билдиради.

“Ўзбекистон замини” илмий-ишлаб чиқариш журналида мақола чоп этиш учун қўйиладиган

ТАЛАБЛАР

“Ўзбекистон замини” илмий-ишлаб чиқариш журналига тақдим этиладиган илмий мақолаларга қўйиладиган асосий талаблар жаҳон андозалари ҳамда Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган PhD тадқиқотлари тизимидаги андозалардан келиб чиқади.

- Муаллиф (ёки муаллифлар) томонидан тақдим этилаётган илмий мақола мавзуси “Ўзбекистон замини” илмий-ишлаб чиқариш журналининг рукнига мос келиши шарт.
- Мақола халқаро андозалар талаб доирасидаги қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:
- Мақола мавзуси (Title)
- Мақола муаллиф(лар)и тўғрисида маълумот (information about the author)
- Мақола аннотацияси (Abstract)
- Калит сўзлар (Key words)
- Кириш (Introduction)
- Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review)
- Тадқиқот методологияси (Research methodology)
- Таҳлил ва натижалар(Analysis and results)
- Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (References)

Мақолалар ўзбек, рус, ёки инглиз тилларида тақдим этилиши мумкин. Юборилган мақолаларни барчаси “Антиплагиат” тизимида текширилади

Журналда қуйидаги асосий йўналишлар бўйича илмий мақолалар эълон қилинади:

- Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва бошқариш.
- Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги
- Геодезия ва картография
- Умумий деҳқончилик. Пахтачилик
- Мелиорация ва суғорма деҳқончилик
- Агрокимё. Тупроқшунослик

- Мевачилик ва узумчилик. Сабзавотчилик
- Ўсимликшунослик. Ўсимликларни ҳимоя қилиш.
- Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммолари
- Ўрмон хўжалиги
- Давлат кадастрлари
- Геофазовий маълумотлар инфратузилмаси

Мақолани расмийлаштиришга қўйилган талаблар:

- Матн – Microsoft Word--2010.
- Мақола матнни чапдан – 3 см, ўнгдан – 1,5 см, юқори ва пастдан – 2 см қолдирилади.
- Шрифт – Times New Roman.
- Мақола матни шрифтнинг катталиги – 14; Қаторлар оралиғи (интервал) – 1,5; Хат боши (абзас) – 1,25.
- Муаллифнинг исми, фамиляси, отасининг исми, иш жойи (ўқиш жойи), лавозими, электрон почта манзили ҳақидаги маълумот мақола юқори қисмининг ўнг тарафига кичик ҳарфларда, ўзбек, рус, инглиз тилларида, курсив (Шрифтнинг катталиги – 14. Қаторлар оралиғи (интервал) – 1) билан ёзилади.
- Мақоланинг номи ўзбек, рус, инглиз тилларида (Шрифтнинг катталиги – 14) – босма ҳарфларда марказда қўйилади.
- Қисқача аннотация ўзбек, рус, инглиз тилларида (Шрифтнинг катталиги – 12. Қаторлар оралиғи (интервал) – 1) ёзилиши лозим. Сўзлар сони 60-80 тани ташкил этиши мақсадга мувофиқ бўлади.
- Калит сўзлар – (6 – 10 тадан кам бўлмаган) уч тилда ўзбек, рус, инглиз тилларида берилади.
- Мақола мавзусига мос УЎТ индекси биринчи саҳифанинг чап бурчагига қўйилади.
- Матндаги ҳаволалар қуйидаги тартибда шакллантирилади; [1] ёки [2, С.170] ёки [3, С.132, 185, 193].
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати алифбо тартибида (Times New Roman; 12 шрифт; 1.0 интервал) кўрсатилиши лозим.
- Тайёр мақоланинг ҳажми 5 бетдан кам бўлмаслиги лозим.
- Нашр учун тайёр мақола 2 нусхада эксперт хулосаси ва электрон варианты билан қабул қилинади.

Мақолалар тақриздан ўтказилади. Мақолалар www.uzzamin.uz сайти орқали ёки [uzbekiston zamini@umail.uz](mailto:uzbekistonzamini@umail.uz), uzbekiston zamini@mail.ru электрон почта манзилларига юборилади. Қўшимча ахборотларни +99894-647-87-35 телефон рақами орқали олиш мумкин.

Таҳририят